



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
3-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
профессор **Д.Х.Асланова**

**Масъул котиб:**  
профессор **М.Қ.Пардаев**

**Муҳаррирлар:**  
**Ф.А.Сафаров**  
**Ш.З.Ўрозов**

**Техник муҳаррир:**  
**А.Н.Холиқулов**

**Корректор:**  
**С.А.Бабаназарова**

**Саҳифаловчи:**  
**Ҳ.Н.Очилова**

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида  
тарқатилади.

**Таҳририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,  
тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88  
факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:  
samiservis@inbox.uz

**Таҳририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

**Таҳрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-  
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

**О.М.Мургазаев** – ТДИУ Самарқанд филиали директори,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Р.Болтабаев** – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМШИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ декани, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ доценти, и.ф.д.

## МУНДАРИЖА

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов</b> Иқтисодиёт – инсоннинг юксак тафаккур маҳсули	5
<b>Umar Xudayberdiyev, Sevara Abdinazarovna Babanazarova</b> Aholi daromadlari va ularni ko'paytirish yo'llari.	11
<b>Shao Junling</b> Analysis of the role of institutional frameworks in promoting the qualitative development of the economy of the region " Belt and Road"	14
<b>Kudratjon Bakhtiyorovich Dilmanov</b> Characteristics of human power	17
<b>Bekjon Shukurillayevich Musayev</b> Oliy ta'lim xizmatlarini targ'ib qilishning nazariy asoslari	21
<b>Ашур Али Рустам ўғли Латипов</b> Маҳаллада янги иш ўринларини яратиш ва бандликни оширишдаги қулайликлар ва имкониятлар	27
<b>ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов</b> Инновацион товарларни бозорда силжитишнинг ўзига хос жиҳатлари	33
<b>Шохрухбек Жаҳонгирович Расулов</b> Развитие нового содержания финансов в условиях инновационного развития экономики	36
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Отабек Джурабаевич Джурабаев</b> Определение направлений оптимизации операционной стратегии и повышения экономического потенциала хлопково-текстильных кластеров	42
<b>Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова</b> Ўзбекистонда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришдаги муаммолар	46
<b>Жамолиддин Ярашевич Нуриллаев</b> Влияние экономической либерализации на производство и эффективность продукции в мировом овцеводстве и каракулеводстве	49
<b>Лариса Алишеровна Мусабаева</b> B2B маҳсулотларининг мижозлар капиталини таркибий-функционал таҳлил қилиш амалиёти	53
<b>ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Shoxista Abdugapparovna Mamasoliyeva</b> Tibbiy xizmatlar ko'rsatuvchi muassasalar boshqarish tizimini samaradorligini oshirishni iqtisodiy mexanizmlari tahlili	58
<b>Машхур Исмоналиевич Акбаров, Кудрат Шухратович Искандаров</b> Темирўл транспортида йўловчи ташиш сервис хизматларини баҳолаш ва такомиллаштириш йўллари	64
<b>Мурод Максудович Паязов</b> Темир йўл транспорти хизматлар тизимидаги бошқарув механизмининг моҳияти ва ривожлантириш методологияси	70
<b>Зарина Муродовна Муҳаммедова</b> Хизматлар соҳасининг тармоқлар бўйича таркибий тузилишини такомиллаштириш асосида инвестицион ресурслар самарадорлигини ошириш	76

повышения экспортного потенциала в хлопково-текстильных кластерах, для чего особенно важно, чтобы регионы переключились с пассивной стратегии на стратегию развития. Необходимо проведение системной работы по внедрению современных и инновационных технологий в хлопково-текстильное производство, конечная цель которых - увеличение объемов экспорта, повышение результативности производственной деятельности, что призвано повысить конкурентоспособность отрасли и национальной экономики в целом.

**Список использованной литературы**

1. DJURABAEV O. Formation of model beekeeping facilities and modernized interindustrial communications in human bearing management //Архив научных исследований. – 2020. – №. 11.
2. Djurabaev O. Methods of the process approach in management and determination of the criterion of technological efficiency of beekeeping farms: methods of the process approach in management and determination of the criterion of technological efficiency of beekeeping farms // Archive of scientific research. - 2021. - Т. 1. - No. 1.
3. Saidov M. Increasing Management Efficiency in The Electricity Sector of Uzbekistan //The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems. – 2021. – С. 343-347.
4. Saidov M. S. Analysis of the economic activities of natural monopoly organizations //Инвестиции, градостроительство, недвижимость как драйверы социально-экономического развития территории и повышения качества жизни населения. – 2022. – С. 74-79.
5. Shanazarova G. Features of innovative management strategy of the automotive industry of Uzbekistan //Архив научных исследований. – 2019.\
6. Ҳаҳуаева I. Енгил саноат корхоналарида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари //Архив научных исследований. – 2019.

<p><b>О.Джурабев</b>  <b>Пахта-тўқимачилик кластерларининг</b>  <b>операцион стратегиясини оптималлаштириш ва</b>  <b>иктисодий салоҳиятини ошириш</b>  <b>йўналишларини аниқлаш</b>  <b>Аннотация:</b> Мазкур мақолада пахта-тўқимачилик кластерларининг операцион стратегиясини оптималлаштириш ва иқтисодий салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш бўйича маълумотлар берилган. Шунингдек, асосий ишлаб чиқариш жараёни сифатида операцион стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасидаги таҳлиллар келтирилган.  <b>Калит сўзлар:</b> операцион стратегия, ишлаб чиқариш, кластерлар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, иқтисодий жараёнларни прогнозлаш, рақамли иқтисодиёт.</p>	<p><b>O.Dzhurabev</b>  <b>Optimization of the operational strategy</b>  <b>of cotton-textile clusters and</b>  <b>determination of directions for increasing</b>  <b>their economic potential</b>  <b>Abstract:</b> This article provides information on optimizing the operational strategy of cotton-textile clusters and identifying key areas of economic capacity building. Analysis in the field of development and implementation of an operationalist strategy is also cited as the main production process.  <b>Keywords:</b> operational strategy, production, clusters, agricultural production, forecasting of economic processes, digital economy.</p>
---	---

**Умар Худайбердиев** – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси и.ф.н., доцент

**Нилуфар Зиябаевна Юлдашова** – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси ассистенти

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДАГИ МУАММОЛАР**

<p><b>Аннотация:</b> Мақолада чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг кўпайиши, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда чорвачиликнинг аҳамияти, чорва маҳсулотларини кўпайтиришдаги муаммолар ва уларнинг ечими ёритилган.  <b>Калит сўзлар:</b> қишлоқ хўжалиги, чорвачилик маҳсулотлари, ем-хашак, деҳқон ва оила хўжаликлари, наслчилик, гўшт, сут, чорвачилик комплекслари.</p>
--

**Кириш.** Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг устувор соҳаси ҳисобланади. Чунки қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўлган деҳқончилик ва чорвачилик аҳоли учун зарурий озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириб беради. Бу тармоқларда етиштирилган маҳсулотлар саноатнинг озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқларида истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда асосий хомашё сифатида фойдаланилади. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш бир мунча мушкул бўлиб, унинг ҳажмига нафақат инсон омиллари, балки табиий омиллар ҳам таъсир қилади. Қишнинг ўта совуқ келиши, совуққа чидамсиз мевали дарахларнинг (анор, хурмо, анжир кабилар) қуриб қолишига, ёмғирнинг вақтида бўлмаслиги лалмига экилган маҳсулотларнинг (буғдой, арпа, кунжут, нўхат ва шу кабилар) ҳосили бўлмаслигига, ёзнинг иссиқ келиши ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади.

Табиатнинг бундай инжиқликларига қарамасдан, мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар етиштиришда йилдан-йилга яхши натижаларга эришиб келмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Қишлоқ хўжалиги қадимий соҳа бўлганлиги сабабли, жуда кўп хорижий ва мамлакатимиз олимлари турли йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб борганлар. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти бўйича мамлакатимиз олимларидан С.С.Ғуломов, Қ.Х.Абдурахмонов, Б.Т.Салимов, Ф.Жураев, Р.Х.Эргашев, Қ.Д.Мирзаев, О.Муртазаев, Ғ.Ҳ.Қудратов, С.Н.Хамраеваларнинг илмий ишларини таҳлили шуни кўрсатдики, улар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, уруғ навларини яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш каби масалаларни ёритишган. Шу билан бир вақтда қишлоқ хўжалигининг чорвачилик тармоғидаги муаммолар етарли даражада ўрганилмаганлиги, бу соҳада ем-хашак муаммолари, маҳсулотларнинг таннарҳини пасайтириш, чорвачилик маҳсулдорлигини оширишда ташкилий-иқтисодий камчиликлар мавжудлиги маълум. Агарда чорвачилик маҳсулотларининг катта қисми деҳқон ва аҳоли хўжаликларида етиштирилаётганлигини инобатга олганда бу камчилик ва муаммоларни ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

**Тадқиқот методологияси.** Мавзу бўйича илмий изланишлар олиб боришда кузатиш, таққослаш, сабаб ва оқибат усулларида фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Мамлакатимизда Республика Президенти ва Ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида бу соҳада маҳсулот етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. 2022 йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажми – 347,6 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилги етиштирилган маҳсулот ҳажмидан 185,5 фоизга ( 2018-187,4 трлн сўмлик маҳсулот етиштирилган) яъни қарийиб 2 бараварига кўпдир. Бу борада аҳолини сифатли гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилди. Чорвачилик умумий маҳсулотлари 2018 йилги 89019,2 млрд сўмдан 2021 йилга 151285,1 млрд сўмга, яъни 170,0 фоизга кўпайди. Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда мамлакат Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги муҳим аҳамият молик бўлди. Бу қарорда моллар зотини яхшилаш, чорва озукасини кўпайтириш, чорвадорларга давлат бюджетидан субсидия ажратиш кўзда тутилди.

1-жадвал

Ўзбекистонда 2018-2022 йилларда чорвачилик маҳсулотларини етиштириш (минг тоннада)

№	Йиллар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йил 2018 йилга нисбатан %
1	Гўшт (тирик вазнда)	2430,5	2473,6	2519,6	2635,1	2726,0	112,2
2	Сут	10466,4	10714,3	10976,9	11274,2	11629,4	111,2
3	Тухум (млн дона)	7459,3	7771,2	7781,2	7788,4	8129,3	109,0
4	Жун	34,6	35,1	35,4	36,3	37,3	107,8
5	Қорақўл тери (минг дона)	1085,2	1150,7	1152,1	1252,4	1302,3	120,0
6	Балиқ	17,9	21,4	20,9	22,8	23,5	131,3

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, чорвачилик маҳсулотларининг барча турлари бўйича ушбу йилларда кўпайишга эришилган. Асосий чорвачилик маҳсулотлари 5 йил давомида (2018-2022 йилгача) асосан 10 фоиздан кўпроққа ўсган. Балиқ етиштириш эса ушбу даврда 17,9 минг тоннадан (2018 йил) 23,5 минг тоннага (2022 йил), яъни 131,3 фоизга кўпайган. Бу аҳолини тўйимли, тез ҳазм бўладиган, витаминларга бой балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижасидир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, статистик маълумотларга қараганда чорвачилик маҳсулотларининг асосий, энг катта қисми деҳқон ва оила хўжаликларида етиштирилади. 2022 йилда тайёрланган гўштнинг (тирик вазнда) 87,9%, сутнинг – 93,4%, тухумнинг – 62,0%, жуннинг – 83,3%, олинган қорақўл терининг – 80,4% деҳқон ва оила хўжаликларида тўғри келган. Демак, бу деҳқон ва оила хўжаликларида чорва маҳсулотларини етиштиришда, чорва молларининг маҳсулдор турларини яратишда, озуқа етиштиришда, ветеринария хизматларини кўрсатишда, етиштирилган маҳсулотларини харид қилишда ва бошқа ишларда мутахассислар ёрдами керак. Бунинг учун жойларда мутахассисларни бирлаштирган “Агрохизматлар” ташкилоти тузилмоқда. Деҳқон ва оилавий хўжаликлар етиштирган чорва маҳсулотларини харид қилиб олиш ва уларни қайта ишлашни ташкил этиш мақсадида оилавий кооперациялар ташкил этилмоқда.

Чорва маҳсулотларини етиштиришни ҳудудлар бўйича таҳлил қилганимизда, энг кўп миқдори Самарқанд (2022 й - 19112,0 млрд сўм), Қашқадарё (2022 й – 19099,4 млрд сўм) ва Тошкент (2022 й – 16623,9 млрд сўм) вилоятлари тайёрлаган. Аксинча, энг кам миқдордаги чорва маҳсулотларини Сирдарё (2022 й - 4646,5 млрд сўм), Навоий (2022 й – 9847,2 млрд сўм) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (2022 й 6757,2 млрд сўм) етиштирган. Чорва маҳсулотларини кўп миқдорда етиштирган вилоятларда ҳудудлар ҳам катта, аҳоли ҳам кўп яшайди, шароитлар ҳам мавжуд. Сирдарё вилояти ҳудуди текислик бўлиб, ҳам нисбатан кичик, ҳам деҳқончиликка мослашган. Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудлари жуда катта бўлиб, чорва сонларини кўпайтириб, маҳсулотлар ҳажминини кўпайтириш йўллари аниқлаш лозим бўлади.

**Хулоса ва таклифлар.** Мамлакатимизда чорвачилик маҳсулотларини етиштириш йилдан йилга кўпаймоқда. Лекин кўпайиб бораётган аҳолини узлуксиз етарли миқдорда чорва маҳсулотлари билан таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

-чорва молларининг озуқасини, ем-хашагини кўпайтириш лозим бўлади. Бунинг учун беда, маккажўхори каби экинлар майдонини кўпайтириш, ҳосилдорлигини ошириш керак. Алмашлаб экишни қатъий йўлга қўйиш керак бўлади;

-қурғокчилик, сув танқислигини ҳисобга олиб, сувсизликка чидамли, кўп йиллик ўсимликлар кўпайтиришни тизимли йўлга қўйиш лозим. Айниқса тоғ олди ва дашт, чўл ҳудудларида бу самара беради;

-чорва маҳсулотлари етиштиришда таркибини такомиллаштириш лозим. Айниқса, гўшт етиштиришда пархезбоп қуён ва парранда гўшларини, балиқни янада кўпайтириш, бундай гўшларнинг шифобахшлигини тарғиб қилишни кучайтириш лозим;

-бурдоқчилик ва сугчилик йўналишдаги чорвачилик комплексларини янада кўпайтириш. Чорва ем-хашакларини кўпайтириш, уларнинг таннархини, сотиш баҳосини камайитириш йўллари аниқлаш лозим;

-деҳқон ва оила хўжаликлари маҳсулдор, насли чорва моллари билан таъминлаш, чорва маҳсулотларини харид қилиш, ем-хашак билан таъминлаш, ветеринария хизматини кўрсатиш, маҳсулотларни санитария-гигиена талаблари бўйича ташиш ва қайта ишлашни амалга ошириш ишларини йўлга қўйиш лозим бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4576-сонли Қарори.
- 2.Всемирный банк (2021) Отчёт по анализу исходного состояния сектора животноводства в Узбекистане.

3.Ильчук М.М. Экономическое состояние развития молочного скотоводства/Экономика АПК.-2003.- №5-с.73  
 4.www.stat.uz

<p><b>У.Худайбердиев, Н.Юлдашова</b>  <b>Проблемы производства продукции животноводства в Узбекистане</b></p>	<p><b>U.Khudayberdiev, N.Yuldashova</b>  <b>Problems of livestock production in Uzbekistan</b></p>
<p><b>Аннотация:</b> в статье рассмотрено увеличение производства продукции животноводства, значение животноводства в обеспечении населения продовольственными товарами, а также проблемы племенной продукции животноводства и пути их решения.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> сельское хозяйство, продукция животноводства, кормопроизводство, дехканские и семейные хозяйства, мясо-молочные, животноводческие комплексы.</p>	<p><b>Abstract:</b> the article considers the increase in livestock production, the importance of livestock in providing the population with food products, as well as the problems of breeding livestock products and ways to solve them.</p> <p><b>Keywords:</b> agriculture, livestock products, fodder production, dehqan and family farms, meat and dairy, livestock complexes.</p>

**Жамолиддин Ярашевич Нуриллаев** – Докторант Международного центра стратегических развития и исследований в сфере продовольствия и сельского хозяйства, к.э.н., доцент

### **ВЛИЯНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЛИБЕРАЛИЗАЦИИ НА ПРОИЗВОДСТВО И ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРОДУКЦИИ В МИРОВОМ ОВЦЕВОДСТВЕ И КАРАКУЛЕВОДСТВЕ**

**Аннотация:** В данной статье рассматривается влияние процесса либерализации овцеводства во многих странах, особенно на производительность и эффективность сектора. В ней анализируются преимущества и недостатки либерализации и то, как она влияет на различные заинтересованные стороны, такие как фермеры, потребители и правительство. В статье также рассматриваются некоторые проблемы, возникающие в результате либерализации, и пути их решения.

**Ключевые слова:** либерализация, овцеводство, каракулеводство, субсидирование, эффективность, снижение государственного вмешательства, рыночные отношения, маркетинг.

**Введение.** Овцеводство является важной отраслью сельского хозяйства во всем мире, обеспечивающей население мясом, кожей, шерстью и молоком. В последние годы в сельскохозяйственном секторе произошли значительные изменения, и многие страны проводят политику либерализации для содействия свободной торговле, сокращения субсидий и поощрения конкуренции. Одной из стратегий решения этих проблем является либерализация овцеводческого хозяйства, которая включает устранение государственного вмешательства и продвижение рыночной политики.

**Анализ литературы по теме.** В Узбекистане вопросы либерализации каракулеводства очень мало освещаются в экономической литературе. Однако можно выделить научные исследования, проведенные узбекскими учеными Т.Фармоновым, К.Чориевым, Н.Хушматовым и другими. Влияние экономической либерализации на эффективность производства и продукции в мировом овцеводстве и каракулеводстве изучалось в научных исследованиях многих зарубежных ученых [1,3,4,5]. Зарубежные ученые исследователи отмечают, что либерализация овцеводства которая проводилась во многих странах, и они достигли разных результатов.

**Методология исследования.** В процессе изучения влияния процесса либерализации отрасли животноводства и овцеводства на производство продукции и эффективность отрасли применялись методы индукции и дедукции, анализа и синтеза, систематического анализа, наблюдения-анкетирования.

**Анализ и результаты.** Почти все страны мира имеют овцеводческую сеть, а более 50 стран имеют развитую каракулеводческую сеть. Однако в последующие годы

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023